O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2010 йил 7 октябрь, № 194 (5109) Пайшанба

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Монополияга қарши давлат органи қайта ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 22 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 28 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда) **268¹-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«268¹ -модда. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органлари**

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органларига ушбу Кодекснинг 178, 178¹ ва 215¹-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўллашга қуйидагилар ҳақлидир:

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда жарима солишга».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 221–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 59-модда; 2002 йил, № 4–5, 74-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 183-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **23-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **25-модданинг номи** ва **биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **27-модда иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Реклама тўғрисида»**ги 723–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 14-модда; 2002 йил, № 9, 164-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 186-модда) **13-моддасининг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда) **329-моддасининг 29-бандидаги** ва **330-моддасининг 21-бандидаги** «монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш органлари» деган сўзлар «монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 6 октябрь
№ ЎРҚ—264

# БОШ МАҚСАД — ЭЛ САЛОМАТЛИГИ

**Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида "UzMedExpo — 2010" III Халқаро ихтисослаштирилган тиббиёт кўргазмаси иш бошлади.**



*Тадбир "IEG Uzbekistan" халқаро кўргазмалар компанияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Дори-дармон" ДАЖ ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда тиббий жиҳозлар, фармацевтика маҳсулотлари ва стоматология ҳамда протезлаш технологиялари намойиш этилаяпти. Экспозицияда, шунингдек, Германия, Италия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Корея, Россия, Украина, Беларусь давлатларининг 40 дан зиёд компаниялари иштирок этмоқда.*

**«UzMedExpo — 2010»**

— Пойтахтингизда анъанавий ўтказиб келинаётган мазкур тиббиёт кўргазмасида иккинчи бор қатнашаяпмиз, — дейди Беларусь давлатининг "Борисов тиббиёт препаратлари" заводи менежери Оксана Орлова. — Ушбу халқаро кўргазма янги маҳсулотларимизни мижозларга яқиндан таништириш имконини бермоқда. Чунки корхонамизда 200 хилдан зиёд дори-дармон воситалари ишлаб чиқарилади ва шу кунгача уларнинг 90 дан ортиқ тури ўзбекистонлик харидорларга таништирилди. Ўйлаймизки, уч кун давом этиши кўзда тутилган ушбу нуфузли тадбир ёрдамида кўплаб манфаатли шартномалар имзолашга, бозор талабини ўрганиш ва ўзимиз каби ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро тажриба алмашишга муваффақ бўламиз.

(Давоми 2-бетда).

# КЕЛАЖАК ОЛДИДА МАСЪУЛЛИК

***Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифини бутун халқимиз диққат-эътибор билан кузатди. Пахта далаларида фермерлар билан бўлган сермазмун учрашувлар, уруғчиликни такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш борасида берган маслаҳат ва кўрсатмалари, шубҳа йўқки, ишларимиз янада баракали бўлишига хизмат қилади.***

**Дил сўзи**

Кишиларимиз давлатимиз раҳбаридан катта куч олиб, эртанги кунга улкан масъулият билан қарамоқда. Юртбошимиз БМТнинг юксак минбаридан туриб, жаҳон ҳамжамияти эътиборини Орол фожиасига қаратгани, ҳар биримизни Амударё ва Сирдарё сувидан оқилона фойдаланишга ундагани ёдимизда. Куни кеча яна бу масалага мурожаат қилиб, Орол денгизи тақдири — миллион-миллион инсонлар тақдири эканини, бу, айниқса, қорақалпоқ халқи қисматида жуда муҳим ўрин тутишини қайта-қайта таъкидлади.

Келажак учун қайғуриб айтилган бу оқилона даъват нафақат бизни, балки шу икки муаззам дарёдан сув ичувчи ўзга халқларни ҳам ҳушёрликка, келажак олдида масъул бўлишга ундайди, Худо берган бу тансиқ неъматнинг қадрига етиб, ундан оқилона фойдаланишга чақиради.

Президентимизнинг ташрифидан ҳар бир қорақалпоқ "Она заминимизга яна мўл-кўл насиба келди", деб қувонмоқда. Чунки Юртбошимиз доимо қорақалпоқ заминига олам-жаҳон янгиликлар, ҳаётбахш ғоялар олиб келган ва беқиёс ўзгаришларни бошлаб берган. Шунинг учун ҳам эл-улус "У кишининг қадамида гуллар битади", дейди.

Давлатимиз раҳбари бу сафар ҳам ғуруримизга ғурур қўшиб, қаддимизни янада баланд кўтарди. Янги-янги ғоялар билан яратувчиликка ундаб, юрагимизга ўт-ғайрат солди. Бу азиз туйғу барчамизга куч-қувват бағишлаб, Қорақалпоғистоннинг янги тарихида нурли саҳифалар очиши муқаррар.

**Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ,**
**Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси.**

# ЁШЛАР ЎРТАСИДА ГИЁҲВАНДЛИККА БАРҲАМ БЕРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

***Наркотик моддаларнинг ғайриқонуний муомаласи бугунги кунда инсоният олдида турган энг жиддий трансмиллий таҳдидлардан биридир. Ушбу долзарб муаммони ҳал қилиш жаҳон ҳамжамияти томонидан изчил равишда ва ўзаро келишган ҳолда иш олиб боришни, наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашда кўп томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришни талаб қилмоқда.***

Ўзбекистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисида"ги Конвенциясини ижро этишга доимий эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси билан халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг шу йил 5 октябрда Сурхондарё вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган мажлиси ана шу масалага бағишланди.

Мажлис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази билан биргаликда ташкил этилди. Унда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти маҳаллий Кенгашларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисида"ги Конвенциясини (Вена, 1988 йил 19 декабрь) ижро этиш, ёшлар ўртасида гиёҳвандликка барҳам бериш борасидаги ишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Мажлис асносида сенаторлар ва депутатлар қайд этганларидек, мамлакатимизда, шу жумладан, Сурхондарё вилоятида мазкур халқаро Конвенцияни имплементация қилиш борасида анчагина ишлар амалга оширилди. Бу эса наркотик моддаларнинг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар ўсишига тўсқинлик қилиш, мана шу балони келтириб чиқарадиган омилларга барҳам беришнинг таъсирчан воситаларини яратиш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).

**Бир рақам шарҳи**

*Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда*

**ЯНГИ МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ОБЪЕКТЛАРИ**

**1,5** **мингдан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш объекти фойдаланишга топширилди.**

*Ана шу янги объектларнинг ишга туширилиши, ўз навбатида, жойларда маиший хизмат кўрсатиш кўламини сезиларли даражада ошириш имконини берди.*

# МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***АНДИЖОН вилоятида жорий йилнинг биринчи ярмида ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 9 та лойиҳа амалга оширилди.***

## Истиқболли лойиҳалар

Натижада 660 та янги иш ўрни яратилди. Чунончи, "Мадина-97" фирмасида чарм-атторлик буюмлари, "Водий олтин куз" фирмасида пластмасса, атторлик ва ошхона жиҳозлари, Хўжаободдаги "Ал-Ҳаким" хусусий корхонасида трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада вилоятда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 114,4 фоизга кўпайди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ЖИЗЗАХ шаҳрида қурилишда кенг қўлланиладиган базальтли минерал плиталар ишлаб чиқарувчи "Сендвич панел" корхонаси қуриб битказилди.***

## Қурилиш учун қимматли ашё

Лойиҳа қиймати 2,1 миллион АҚШ долларига тенг бўлган мазкур корхона Хитойдан келтирилган замонавий ва илғор технологиялар билан жиҳозланди. Меҳнат жамоасининг дастлабки иш жараёни, тайёрланган намуна маҳсулотлари бу ерга ўрнатилган дастгоҳлар йилига 10 минг тонна базальтли минерал плита ишлаб чиқариш қувватига эга эканлигини тасдиқлади.

Эътиборлиси, 1400 даражагача иссиқ ҳароратда тайёрланадиган ноёб маҳсулот учун зарур бўладиган хом ашёнинг асосий қисми вилоятнинг ўзидан олинади.

Янги корхона ташкил этилиши билан 27 киши иш жойига эга бўлди.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***НАМАНГАН. "Ихлос Чортоқ жавоҳири" масъулияти чекланган жамиятида модернизациялаш амалга оширилгач, бу ерда тайёрланаётган маҳсулот сифати яхшиланибгина қолмай, балки ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди.***

## Қувват ошди, сифат яхшиланди

Ҳозир корхонада хорижнинг илғор технологияси ёрдамида соатига 150 килограмм техник кўринишдаги ўсимлик мойи ва бир кеча-кундузда 2 минг дона қолипли нон ишлаб чиқарилмоқда.

Туманда янги тадбиркорлик субъектлари ишга туширилиши ҳамда мавжуд корхоналар фаолияти кенгайиши ҳисобига жорий йил бошидан буён қарийб 3 мингта янги иш ўрни яратилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Мамлакатимизда Истиқлол шарофати билан аждодлардан қолган маънавий меросни асраб-авайлаш, меъморий ва тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш ва таъмирлашга беқиёс аҳамият қаратилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли тарихий шаҳарлар, обида ва ёдгорликларимиз қайта чирой очиб, хорижлик сайёҳлар эътиборини тортаяпти.**

# ТАРИХИЙ МЕРОС – БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Тадбир

Буни юртимиздаги ўнлаб тарихий шаҳар, минглаб меъморий ва тарихий ёдгорликлар, шу жумладан, 2 мингдан ортиқ меъморчилик ва 3 мингдан зиёд археологик обидалар, мингга яқин монументал санъат ёдгорлиги ўрганилиб, ҳисобга олингани ва уларни келажак авлодларга етказиш борасида муайян ишлар амалга оширилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу борада "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги ҳамда "Музейлар тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа ҳужжатлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Айни чоғда бу ҳужжатлар ҳаётга татбиқ этилгач, археология мероси объектларини муҳофаза қилиш, уларни асрашнинг изчил тизими шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги ҳамда "Музейлар тўғрисида"ги қонунларнинг Наманган вилоятидаги ижросига оид назорат-таҳлил якунларига бағишланган йиғилишида ҳам бу ҳақда алоҳида таъкидланди. Хусусан, вилоятдаги 236 та маданий мерос объекти давлат муҳофазасига олинган. Улардан фойдаланиш ва сақлаш, бу жойларда археологик қидирув ишлари олиб бориш ва топилмаларни экспертизадан ўтказиш яхши ташкил этилган. Жумладан, X-XII асрларга оид Ахсикент ёдгорлиги мутахассислар томонидан жиддий ўрганилди ва шу кунларда уни ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мерос рўйхатига киритиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, вилоят музейларида археология топилмаларини сақлаш, ёшларни ушбу бойлигимизга муҳаббат руҳида тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо бу борада айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, давлат муҳофазасига олинган 136 та археология объектининг атиги 32 таси, яъни 23,5 фоизи давлат кадастридан ўтказилган. Шу билан бирга, 2006 йилдан буён археология объектларида қидирув ишлари олиб борилмаяпти, уларнинг муҳофаза ҳудудлари белгиланмаган, мавжуд белгилари эса эскирган.

Шунингдек, вилоят музейларининг айримларида тарихий ашё ва коллекцияларни сақлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган, яъни мазкур муассасалар маданий мерос намуналарини сақлайдиган махсус қутилар билан таъминланмаган, баъзиларидаги хавфсизлик воситалари эскирган.

Тадбирда тилга олинган мазкур камчиликларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ш. ХОЛТЎРАЕВ.**

# САМАРҚАНД ҚОҒОЗИНИНГ ДОВРУҒИ

***Бугун кундалик фаолиятимизни қоғозсиз тасаввур қила олмаймиз. Қоғоз ҳаётимизга шунчалик чуқур кириб келдики, ундан нафақат ёзиш, дафтар ва китоб чиқариш учун фойдаланилмоқда, балки озиқ-овқат, қурилиш саноати ва бошқа соҳаларда ҳам кенг қўлланилаётир. Гап шундаки, қоғоз ва картон кўпгина металл ҳамда шиша буюмлар ўрнини эгаллаб, қадоқловчи, пардозловчи, конструкцион, изоляцияловчи, фильтрловчи материаллар сифатида ишлатилаяпти. Шу боис қоғознинг кашф этилиши мўъжизага тенглаштирилади.***

Ҳозирги кунда дунёда 600 дан ортиқ турдаги қоғоз ишлаб чиқарилади. Уларнинг яратилиш тарихи ҳақида сўз юритилса, албатта, Самарқанд қоғози ҳам тилга олинади. Чунки бу ерда ёзув қоғози тайёрлаш VII аср охиридаёқ йўлга қўйилган бўлиб, кейинчалик у ҳунармандчиликнинг асосий турларидан бирига айланган.

Самарқанд қоғози ипакдек майин ва пишиқлиги туфайли "Ипак қоғоз" деб ҳам аталган. "Ипак қоғоз" юқори сифати билан Мовароуннаҳрдагина эмас, балки бутун дунёга машҳур бўлди. Бобур Мирзо "Дунёда энг яхши қоғоз Самарқандда ишлаб чиқарилади", деб ёзганида минг карра ҳақ эди.

Манбаларда қайд этилишича, Самарқанд VIII аср ҳамда IX асрнинг биринчи ярмида Яқин ва Ўрта Шарқда қоғоз ишлаб чиқариш соҳасида ягона йирик марказга айланади. Европада эса XI-XII асрлардагина қоғоз тайёрлаш ўзлаштирилади. Аммо бу Самарқанд қоғозлари шуҳратига асло соя сола олмади. Чунки ҳунармандларимиз унинг сифатини янада яхшилаб, ишлаб чиқариш технологиясини ҳам такомиллаштиришга эришган эди. XVI аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида у Россияга юбориладиган қимматбаҳо буюмлар қаторига киритилгани шундан далолат беради.

Истиқлол йилларида, айниқса, Самарқанд қоғозининг шуҳрати қайта тикланиб, таъбир жоиз бўлса, унинг иккинчи умри бошланди. Гап шундаки, Президентимиз раҳнамолигида ҳунармандчиликни ривожлантириш, унинг ноёб турларини қайта тиклашга қаратилаётган эътибор туфайли қадимий усулда қоғоз тайёрлаш йўлга қўйилди. Самарқандлик ҳунарманд Зариф Мухторов 1998 йилда бунга қўл урди.

— Биз тарихий маълумотларга таяниб, ишлаб чиқариш корхонасини қадимги қоғоз тегирмонларидан бирининг ўрнида, яъни Самарқанд туманининг Конигил қишлоғида барпо этдик, — дейди "Конигил мерос" хусусий корхонаси раҳбари З. Мухторов. — Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бу жойнинг табиий жойлашуви, иқлими, ҳатто суви ҳам қоғоз тайёрлаш учун жуда қулайдир.

Изланиш

Ҳунарманднинг айтишича, илгари қоғоз тайёрлашда, асосан, ипак мато парчалари, каноп толаси ишлатилган. У бўлса, ўсимлик бўтқаси, аникроғи, тут новдалари пўстлоғидан фойдаланишни маъқул кўрди. Бу ипакдек мустаҳкам қоғоз олиш имконини берди.

Табиий савол туғилади: Самарқанд қоғозининг довруғини оширган нарса нима? Мутахассислар буни унинг сифат кўрсаткичлари билан изоҳлашади. Аслида ҳам шундай. Чунки бу усулда тайёрланган қоғозларни кемирувчилар еёлмайди, ҳар қандай шароитда чиримайди. Ҳатто сувга тушса ҳам, ўз хусусиятларини йўқотмайди. Мана, унинг афзалликлари!

Самарқанд қоғозининг ана шу жиҳатлари боис унга бўлган талаб йил сайин ортиб бормоқда. 2008 йилда 6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган корхона жамоаси 2009 йилда бу кўрсаткични 8,2 миллион сўмликка етказгани бунинг тасдиғидир.

Таъкидлаш керакки, корхона ташкил этилган дастлабки йилларда Самарқанд қоғозидан фақатгина ёзув учун фойдаланилар эди. Ҳунарманд кейинчалик ундан почта табрикномалари, ташриф қоғози учун махсус жилдлар тайёрлашга эришди. 2008 йилга келиб эса, "ипак қоғоз"дан эркак ва аёллар кийим-кечаклари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Жорий йилда эса уста маҳсулотлари турини янада кўпайтирди: қоғоз асосида турли қўғирчоқлар, хатчўп ва шляпалар тайёрлана бошланди. Шу тариқа, маҳсулотлар тури 19 тага етказилди.

— Талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 25 фоиз, маҳсулот турини эса 30 тага ошириш мақсадида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаяпмиз, — дейди З. Мухторов. — Бугунги натижалар ниятимизнинг рўёбга чиқишини яққол кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, Самарқанд қоғозининг довруғи яна дунёга ёйилмоқда. Ҳунарманд мустақиллик йилларида уни жаҳоннинг Япония, АҚШ, Буюк Британия, Болгария каби кўплаб давлатларида намойиш этиб, миллий ҳунармандчилигимизнинг ноёб турини кўз-кўз қилишга муяссар бўлгани бунинг ёрқин далилидир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЁШЛАР ЎРТАСИДА ГИЁҲВАНДЛИККА БАРҲАМ БЕРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, Мустақиллик йилларида наркотик моддаларнинг ғайриқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида кенг қонунчилик, норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди, бу соҳада давлат стратегиясини амалга ошириш учун зарур ташкилий инфратузилма яратилди. Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган халқаро мажбуриятларни бажариш мақсадида 1999 йилда "Наркотик воситалар ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди, ҳаракат стратегияси ишлаб чиқилди, Наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси тузилди. Наркотик моддаларнинг ғайриқонуний муомаласига қарши курашни мувофиқлаштириш учун наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича минтақавий комиссиялар тузилди. Бу комиссиялар барча маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ҳамда фуқароларнинг наркотик моддалар соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш борасидаги вазифаларини ҳал қилишга қаратилган куч ҳамда имкониятларини йўналтириб ва мувофиқлаштириб бормоқда.

Наркотик моддаларнинг ғайриқонуний муомаласига қарши кураш самарадорлигини оширишда, кўп жиҳатдан, давлат органларининг идоралараро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама халқаро ҳамкорликни фаол ривожлантириш муҳим омиллардан бири бўлди. Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонни ушбу трансмиллий таҳдидга қарши ғоят фаол ва изчил курашиб келаётган мамлакатлардан бири деб ҳисобламоқда.

Сенаторлар наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашга доимий эътибор қаратишни, бу барча тузилмалар ва жамоатчилик куч-ғайратларини сафарбар қилишни тақозо этаётганини таъкидладилар. Ушбу фаолият соҳаси доимо халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари ва уларнинг доимий комиссиялари диққат марказида турмоғи зарур. Маҳаллаларда, айниқса, ёшлар, умумтаълим мактабларининг, академик лицейларнинг ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари, олий ўқув юртларининг талабалари ўртасида гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш бўйича кенг маърифий-тарбиявий ишлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ушбу йўналишда биргаликда амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлигини юксалтириш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Муҳокама якунлари бўйича қўшма қарор қабул қилиниб, унда бу соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли идоралар ва тузилмалар учун аниқ тавсиялар белгилаб берилди.

Мажлис ишида сенаторлар, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши тегишли доимий комиссияларининг раислари, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

**(ЎзА).**



# БОШ МАҚСАД – ЭЛ САЛОМАТЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мазкур кўргазма кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда соҳа мутахассисларига замонавий тиббиётнинг кўплаб янгиликларидан хабардор бўлиш имконини бераётганлиги билан аҳамиятлидир. Зеро, ҳар қандай жабҳада фаолият кўрсатувчи мутахассис билим ва малакасини ошириш учун, энг аввало, ўз касби ва йўналишига дахлдор барча янги маълумотларни мунтазам ўзлаштириб боришни истайди.

— Пойтахтимиздаги 7-шаҳар шифохонасининг кардиология бўлимида ординатура шифокори бўлиб ишлайман, — дейди Гулойим Қумакова. — Бугунгидек кўргазмаларнинг биз каби эндигина фаолият бошлаган мутахассислар учун аҳамияти катта. Негаки, жаҳон тиббиёти ютуқлари билан танишиш ҳам ўзига хос малака ва маҳорат сабоғидир. Масалан, бугун павильондан жой олган янги электрокардиограф аппарати мени ниҳоятда қизиқтириб қўйди. Ушбу ускуна ишлаш тезлиги, ихчам ва қулайлиги, қолаверса, жуда ҳам аниқ ташхис қўйиши билан эътиборга моликдир. Кўргазмада бу каби замонавий асбоб-ускуналарни кўплаб учратиш мумкин.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизнинг нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки чекка қишлоқларидаги шифо муассасаларини ҳам энг сўнгги технологиялар, замонавий тиббий жиҳозлар ва қулай шарт-шароитлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда бу каби маҳсулотлар тавсия этилаётганлиги айни муддаодир. Масалан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан бири — "Medstyle.uz" фирмаси маҳсулотларини олайлик. Намойишда ишлаб чиқарувчилар томонидан тиббиёт ходимлари учун мўлжалланган иш кийимлари, хусусан, жарроҳларнинг бир марталик махсус либослари, кўрпа-тўшак жилдлари, шифохоналар учун ҳимоя кийимлари, ниқоб ва бошқа шу каби зарур воситалар таклиф этилмоқда.

— Фирмамиз ўн бир йилдан буён фаолият кўрсатмоқда, — дейди Лола Анварова. — Хом ашё ўзимизники бўлгани боис маҳсулотларимиз ҳам шунга яраша ҳамёнбопдир. Бугуннинг ўзида олтита хусусий клиника билан шартнома имзоладик. Энг муҳими, ушбу тадбирда қатнашиб, янгидан-янги буюртмалар қабул қилиб олишга муваффақ бўлаяпмиз ва маҳсулот турларини янада кўпайтиришни кўзда тутмоқдамиз.

Кўргазмада, шунингдек, "Техкомплюс Тиб Савдо", "AB Form sistem", "Garant Invest Stroy", "Шифо-нур-сервис" ХК, "Инновацион тиббий технологиялар" каби маҳаллий ва хориж компанияларининг ташхис ускуналари жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотаяпти. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз тиббиёт масканларининг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** кўргазма фаолиятидан лавҳалар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

Туҳфа

# Зиё ва нафосат маскани

***Қораўзак туманидаги 16-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.***

150 ўринга мўлжалланган мазкур нафосат даргоҳини бунёд этиш учун 1 миллиард 674 миллион сўм маблағ сарфланди.

Айни пайтда ушбу муҳташам билим даргоҳида ёшларнинг таълим олиши ва санъат сирларидан воқиф бўлиши учун барча шарт-шароит яратилган.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Ижтимоий ҳаётга фаол аралашар эканмиз, ҳар биримиз ўз-ўзидан истеъмолчига айланамиз. Дейлик, бозор ва савдо дўконидан ул-бул харид қилдик, жамоат транспортига чиқдик, газ ва электр таъминоти ё бўлмаса, коммунал ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаландик. Табиийки, буларнинг барчасида истеъмолчи бўлиб қатнашамиз. Ушбу жараёнларда ҳуқуқларимизни билсак-ку, хўп-хўп, билмайдиган бўлсак, ноқулай аҳволда қолишимиз ҳам ҳеч гап эмас.***

# ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ ВА ЖАВОБГАРЛИК

Табиийки, юртимизда бундай ҳолатларнинг олдини олиш, истеъмолчилар ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётир. Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ана шулар жумласидандир. Мазкур ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиш ва истеъмолчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, унинг вилоятлардаги бирлашмалари, туман ва шаҳарлардаги жамиятлари ҳамда 9200 та таянч гуруҳининг хизмати катта бўлмоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида мазкур муассасага 5 минг 500 дан зиёд мурожаат ва ариза келиб тушгани, уларнинг 95,9 фоизига ижобий ечим топилганлиги ҳамда истеъмолчилар томонидан кўрилган 755 миллион сўмлик зарар қопланганлиги бунинг яққол тасдиғидир.

— Бу борада бизга турли назорат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказиб келаётган мониторинг-кузатувларимиз қўл келмоқда, — дейди Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси бўлим бошлиғи Жамшид Максудов. — Шу йилнинг тўққиз ойида 11 минг маротаба ана шундай мониторинг-кузатув ўтказилди. Уларда савдо, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, коммунал хизмат, транспорт, алоқа ва бошқа соҳалардаги муайян камчиликлар аниқланиб, бартараф этилди. Масалан, апрель-май ойларида Тошкент шаҳридаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари, транспорт ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида аҳолига кўрсатилаётган хизматлар юзасидан назорат ўтказдик. Назорат чоғида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича тўпланган маълумотлар қонуний чора кўриш учун тегишли ташкилотларга жўнатилди.

Хуқуқингизни биласизми?

Мазкур федерациянинг Ўзбекистон Республикаси "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги Қонунининг Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги ижроси юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан ҳамкорликда ўтказган назорат-таҳлили ҳам самарали бўлди. Яъни тадбир чоғида йўл қўйилаётган айрим камчиликларга барҳам берилди. Хусусан, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Тўйтепа нон" корхонасида муддати ўтган "Чарос" ош тузидан фойдаланиб келинаётганлиги аниқланиб, унинг айбдорларига қонуний тартибда чора кўрилди.

Шунингдек, "Ўзгўштсутсаноат" уюшмаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги ва Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан ишлаб чиқилган дастурга асосан, Наманган, Навоий, Сирдарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида гўшт-сут маҳсулотларининг хавфсизлиги, ишлаб чиқаришда технологик жараёнларга риоя қилиниши ва уларнинг стандартларга тўғри келиши бўйича ўтказилган мониторинглар жойларда рўй берган камчиликларни ҳал этишда қўл келганлигини таъкидлаш зарур. Бошқача қилиб айтганда, бу тадбирлардан сўнг ишлаб чиқарувчи ва савдо шохобчалари раҳбарлари учун семинарлар ташкил этилиб, уларнинг ҳуқуқий билимлари янада бойитилди.

— Истеъмолчилардан тушаётган аризаларни ўрганиш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳам асосий вазифаларимиздан ҳисобланади, — дейди суҳбатдошимиз. — Мисол учун, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, 11-уйда истиқомат қилувчи фуқародан келиб тушган шикоятни олиб кўрайлик. Аниқланишича, фуқаро Олмалиқ шаҳри газ таъминоти бўлимига бориб, пластик карточка орқали 100 минг сўмлик тўловни амалга оширади. Буни қарангки, бу ердаги "ишбилармон" ортиқча 50 минг сўмни билдирмасдан ўзлаштириб олишга ҳаракат қилади. Ходимларимиз саъй-ҳаракати билан истеъмолчининг 50 минг сўми ундириб берилди.

Яна бир мисол. Истеъмолчи "Чилонзор буюм бозори"дан 250 минг сўмлик пальто харид қилади. У харид чоғида сотувчига "Агар пальто тўғри келмаса, қайтариб келаман", дейди. Табиийки, сотувчи розилик билдиради. Аммо харидор маҳсулотни қайтариб олиб келганда, сотувчи буни тан олмайди. Шундан сўнг фуқаро бизга мурожаат қилди. Ходимларимиз бу ҳолат бўйича ҳам тезкор иш кўриб, истеъмолчининг пулини қайтаришга эришдилар.

Кўриниб турибдики, юртдошларимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб, ҳушёрлиги тобора ошиб бормоқда. Бунда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан йўлга қўйилган тарғибот-ташвиқот ишлари, хусусан, давра суҳбатлари ва семинарлар ҳамда турли танловларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Масалан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида "Энг иқтидорли ёш истеъмолчи" республика кўрик-танлови, бир неча йилдирки, мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу йилги танловда мамлакатимиздаги 138 та академик лицей ва 1370 та касб-ҳунар коллежида таълим олаётган 1 миллион 400 мингдан зиёд ўқувчи иштирок этганлиги қувонарлидир.

Қисқаси, юртимизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида муайян ишлар бажарилмоқда. Бу эса ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Қашқадарё томонларда

# Аҳолига қулайлик

***Қарши шаҳридаги "Буюм бозори"да кенг кўламли реконструкция ишлари амалга оширилгач, савдо мажмуаси кўркам қиёфа касб этиш баробарида, бу ерда сотувчи ва харидорларга қулай шарт-шароит яратилди.***

Ҳозир мажмуада фаолият кўрсатаётган 550 та турғун савдо дўкони касса аппаратлари ҳамда тўлов терминаллари билан тўлиқ таъминланган. Бу мақсадлар учун тадбиркорлар томонидан 150 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

# Янги туғуруқхона мажмуаси

***Ғузор тумани марказий шифохонаси таркибида янги туғуруқхона мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

Ушбу шифо масканини бунёд этиш учун "Шўртан газ-кимё" мажмуаси томонидан 960 миллион сўм сарфланди.

740 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги шифохонада даволаш амалиётларини бажариш учун барча имкониятлар яратилган.

**А. МУҲАММАДИЕВ.**

ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | УН олий нав 609,7 ▲ +0,7 | УН биринчи нав 438,9 ▼ -10,1 | УН иккинчи нав 409,2 ▲ +7,1 | ПАХТА ЁҒИ 1679,2 ▼ -56,6 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 191,7 ▼ -3,0

ЖАҲОН

# 24 соат ичида

***Индонезиянинг Ғарбий Папуа музофотида юз бераётган сув тошқинлари катта талафотларни келтириб чиқармоқда.***

## Кучли ёғингарчилик оқибати

Тинимсиз ёғаётган ёмғир сабаб баъзи дарёларда сувнинг сатҳи уч метргача кўтарилган. Кўплаб тураржой бинолари сув остида қолган. Натижада 600 киши бошпанасидан айрилган. 86 киши ҳаётдан кўз юмган, 90 киши эса тан жароҳати олган. Ўнлаб одамлар бедарак йўқолган.

Синоптикларнинг маълум қилишича, мазкур ҳудудда ёғингарчилик ҳафта охиригача давом этади.

## Ерга ўхшаш сайёра топилди

***АҚШлик бир гуруҳ олимлар янги сайёрани кашф этишди.***

Калифорния университети ва Вашингтон илмий институти ходимлари ҳамкорлигида аниқланган мазкур само жисми Қуёш тизимидан 20 ёруғлик йили узоқликда жойлашган экан.

Қизиқ жиҳати, унда суюқ ҳолатда сув борлиги, ҳавоси эса худди Ерникига ўхшашлиги айтилмоқда. Шу боис сайёрада яшаш мумкин, деган фикрлар ҳам илгари сурилмоқда. Ушбу само жисми Гавайи штатида жойлашган дунёдаги энг йирик — "Кек-1" телескопи ёрдамида 11 йиллик кузатишлардан сўнг аниқланди.

## Ташкилотчилари аниқ эмас

***Шимолий Ирландияда қўпорувчилик ҳаракати содир этилди.***

Манбага қараганда, машинага ўрнатилган портловчи қурилма Лондондерри шаҳридаги банк ва савдо мажмуаси олдида ҳаракатга келтирилган. Натижада кучли портлаш юз берган. Кўнгилсизликдан одамлар жабр кўрмаган бўлса-да, биноларга жиддий шикаст етган.

Ҳозирча қўпорувчилик ким томонидан ва нима мақсадда уюштирилгани аниқ эмас.

## Самолёт ҳалокатга учради

***Багама оролларида унчалик катта бўлмаган самолёт ҳалокатга учради.***

Бу ҳақда "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Фожиа АҚШнинг Флорида штати жануби-шарқида юз берган. Оқибатда саккиз киши ҳаётдан кўз юмган. Самолёт мамлакат пойтахти Нассау халқаро аэропортидан парвозни амалга оширганидан бир оз ўтиб қулаб тушган. Фалокат сабаблари номаълум.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

***Бу йил Европа мамлакатлари аҳолисининг муҳокама қиладиган асосий мавзуси молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини юмшатиш ёхуд қандайдир сиёсий масалаларга ижобий ечим топиш ҳақида эмас, балки об-ҳаводаги ажабтовур ўзгаришлар тўғрисида бўладиган кўринади. Чунки ёз ойларида кузатилган ноодатий иссиқ ҳароратдан қаттиқ азият чекиб, у келтирган талафотларни эндигина бартараф этишга, унутишга уринаётган кўҳна қитъа вакиллари бардошини бу гал қиш фасли жиддий синовдан ўтказиши мумкин. Гап шундаки, польшалик метеорологларнинг тахминига кўра, жорий йилда Европада сўнгги йиллардаги энг совуқ қиш ҳукмронлик қилиши эҳтимолга яқин.***



# ЖАЗИРАМА ЁЗДАН КЕЙИН ҚАҲРАТОН ҚИШ...МИ?

2010 — 2011 йилнинг қиш мавсуми яқинлашгани сайин мутахассислар қитъа ҳудудларида ҳаво ҳарорати қандай бўлиши хусусидаги ҳисоб-китобларига янада аниқлик киритиб, шу асосдаги хулосаларини эълон қилишмоқда. Интернет маълумотларида тарқатилган хабарларга қараганда, Шарқий Европада ўртача ҳарорат 3 даражагача, Ғарбий томонларда эса 2 — 2,5 даражагача пасайиши мумкин. Шуни ҳам айтиш жоизки, об-ҳавонинг бундай кескин совиб кетиши қор ёғиш миқдорининг кўтарилишига сабаб бўлмас экан. Аксинча, ёғингарчиликнинг ҳам одатдаги меъёрдан озайиши тахмин қилинаяптики, айнан шу омил, яъни қаттиқ совуқ ва кам ёғингарчилик аҳоли ҳамда жонзотлар учун қатор мураккабликларни келтириб чиқаради.

Европалик синоптиклар об-ҳаводаги бундай кескин ўзгаришни Атлантика океанида вужудга келадиган илиқ оқим — Гольфстримнинг сусайиши (сўнгги вақтларда "сўниши" деган ибора ҳам қўлланилаяпти) билан боғлашмоқда. Маълумки, бу оқим кўҳна қитъани Арктика қаҳратонларидан ҳимоялайди. Польшалик мутахассисларнинг аниқлашича, охирги икки йил ичида Гольфстримнинг тезлиги икки баробарга секинлашган. Бунинг салбий таъсири ҳозирданоқ Скандинавияда билина бошлади.

Шу ўринда "кўрфаз оқими" ("Голфьстрим" инглиз тилидан таржима қилинганда шундай маънони беради)нинг пайдо бўлиши ва ҳаракат йўналиши ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. У сайёрамиздаги энг кучли илиқ оқим ҳисобланиб, Кариб денгизидаги Мексика кўрфазида ҳосил бўлади. Кучли шамол эса катта ҳажмдаги сувни Юкатан кўрфази орқали суриб боради. Илиқ оқим шу кўйи океаннинг совуқ минтақалари сари йўл олади. У ҳатто Шимолий қутбгача, Атлантика шимолидан Янги Ер ва Шпицберген оролларигача етиб боради. Шу нуқтада унинг сув ҳарорати пастлашиб, қўшни ҳавзаларники билан тенглашади ва тўхтайди. Мазкур ҳаракат масофаси 10000 км., тезлиги соатига 10 км., кенглиги 110 — 120 км., иссиқлик қуввати эса тахминан 1,4х1015 ватт эканлиги аниқланган.

Буни қарангки, Гольфстрим дастлаб сониясига 25 млн. км. куб ҳажмдаги сув билан ҳаракатланади. Бу Ер юзидаги барча дарёлар сувидан 20 марта кўпроқдир. Йўлда унинг таркибига яна бир кучли оқим — Антиль қўшилиб, Европа ҳудудига ўтишида юқоридаги кўрсаткич сониясига 82 млн. км. кубга етади.

Шундай қилиб, океаннинг илиган шўр сувлари шимолга қараб интилади ва йўл давомида ундаги иссиқлик атмосферага ажралиб чиқади. Океан шамоллари эса ушбу ҳароратни кўҳна қитъанинг соҳилбўйи ҳудудлари ва оролларда жойлашган давлатларга олиб келади. Шунинг учун Рейкьявик ва Копенгаген шаҳарлари анча шимолда жойлашган бўлса ҳам, у ерда қиш нисбатан (масалаң, жануброкда жойлашган Москва билан солиштирганда) илиқ бўлади. Ёки Лондонда ўртача йиллик ҳарорат 11 даражани ташкил этади. У билан бир кенгликда жойлашган Воронежда эса бу кўрсаткич 5 даражага тенг. Берлинда 10 даража бўлган пайтда, унинг минтақадоши Новосибирскда бор-йўғи 0,2 даражага етади. Демак, Англия ва Германия пойтахтларида ҳароратнинг мўътадил бўлишига асосий сабабчи ҳам Гольфстримдир.

"Бундай улкан оқим ортга, яъни экваторга қандай қилиб қайтади?" деган савол туғилиши, табиий. Гольфстрим шимолнинг энг узоқ нуқтасига етиб борганда, унинг сувлари тўлиқ музлайди. Ундаги шўрлик миқдори юқори бўлгани учун, Шимолий океаннинг шўри нисбатан кам бўлган ҳавзасига чўкади. Бунинг натижасида совуқ оқим — Лабрадор ҳосил бўлиб, ортга, яъни жануб томон ҳаракатланади. Бу эса Гольфстрим оқимининг мунтазам пайдо бўлишини таъминлайди.

**Шарҳ**

Агар бу оқимнинг бирор нуқтасида узилиш бўлса, бу бутун бошли "табиий механизм" фаолиятига путур етказади. Оқимдаги тўхталишлар эса АҚШ, Англия, Франция, Германия каби давлатлардаги атмосфера ҳароратига таъсир ўтказиб, унинг кескин тушиб кетишига олиб келади. Бундан, айниқса, Норвегия қаттиқ азият чекиши аниқланган. У ерда ҳаво ҳарорати 15 — 20 даражагача пасайиб кетиши хавфи пайдо бўлади.

Европалик бир гуруҳ иқлимшунослар бундай ҳодиса яқин ўн йил ичида рўй бериши мумкинлигини тахмин қилишмоқда. Сабаб сифатида эса Шимолий қутбдаги ҳарорат 1,2 даражага ошиши кўрсатилмоқда. Натижада Арктика музликларининг эришидан ҳосил бўлган катта миқдордаги чучук сув Шимолий денгизга қўшилади. Маълумки, чучук сув шўр сувдан анча енгил. Шунинг учун у чўкмайди ва экватордан етиб келган оқим таркибига тўлиқ қўшилиб кетмайди. Боз устига, Гольфстрим сувини маълум миқдорда шўрсизлантириб, енгиллаштириб қўяди. Оқибатда оқим сув тубига чўкмай, юза бўйлаб тарқалиб кетади ва ортга қайтмайди. Бу эса Европани илиқлик олиб келувчи қувватдан маҳрум этади.

Айрим палеонтологлар шунга ўхшаш ҳодиса бундан 4,8 — 4,5 млн. йил илгари, Музлик даврларидан бирида содир бўлганини тахмин қилишмоқда. Ўшанда ҳам Гольфстримнинг тўхташи иқлимнинг кескин ўзгаришига сабаб бўлгани айтилаётир. Бироқ баъзи бир мутахассислар бундай жараён ҳозирги замонда такрорланишига ишонишмаяпти. Масалан, америкалик кўплаб олимлар, жумладан, океаншунос Жош Уиллис 18 йиллик тадқиқотлари натижаларига асосланиб, Гольфстрим янада кучайгани ва илиганини айтмоқда. Бу НАСАнинг сунъий йўлдошлари орқали олинган суратларда ҳам ўз тасдиғини топган. Бундан ташқари, канадалик гляциолог(музликларни ўрганувчи)лар музликлар, асосан, Ғарбий Арктикада эриб бораётганини аниқлашган. Бу эса Гольфстримга салбий таъсир ўтказмайди.

Қолаверса, Шимолий қутбда ҳароратнинг сезиларли даражада ошгани тўғрисидаги маълумот америкалик ва россиялик таниқли иқлимшунослар томонидан тасдиқланмади.

Хуллас, бу борадаги қарашлар ҳар хил. Европа халқларини эса "Қиш арафасида нима қилиш керак?" деган савол кўпроқ қизиқтириши табиий. Олимлар одамларга таҳликага тушмаслик лозимлигини айтиб, шу билан бирга, ҳамма нарсага тайёр туришга чақиришмоқда. Бундай огоҳлантиришлар бизнинг "Ёзда ёпинчиғингни ташлама, қишда ўзинг биласан" мақолимизни эслатиб юборади.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**




***ДИҚҚАТ, «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»!***

**Агар сизга божхона қонунчилиги бузилишига доир ҳолатлар ёки божхона ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари маълум бўлса, Давлат божхона қўмитаси раҳбариятини қуйидаги «Ишонч телефонлари» орқали хабардор қилишингизни сўраймиз.**

*Мурожаатлар махфийлиги кафолатланади.*

| Т/р | Ҳудуд | «Ишонч телефонлари» |
|---|---|---|
| 1. | ДБҚ Марказий аппарати | (8-371) 120-76-33 |
| 2. | Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси | (8-361) 224-02-68 |
| 3. | Андижон вилояти божхона бошқармаси | (8-374) 224-28-27, 224-29-30 |
| 4. | Бухоро вилояти божхона бошқармаси | (8-365) 770-06-30, 770-06-36 |
| 5. | Жиззах вилояти божхона бошқармаси | (8-372) 223-31-63 |
| 6. | Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси | (8-375) 221-05-01 |
| 7. | Навоий вилояти божхона бошқармаси | (8-436) 223-08-65, 223-87-87 |
| 8. | Наманган вилояти божхона бошқармаси | (8-369) 234-33-01, 223-35-01 |
| 9. | Самарқанд вилояти божхона бошқармаси | (8-366) 234-39-57, 234-26-26 |
| 10. | Сирдарё вилояти божхона бошқармаси | (8-367) 227-89-45, 227-89-08 |
| 11. | Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси | (8-376) 225-13-51, 225-26-05 |
| 12. | Тошкент вилояти божхона бошқармаси | (8-371) 120-86-10 |
| 13. | Тошкент шаҳри божхона бошқармаси | (8-371) 120-76-76, 120-76-71 |
| 14. | Фарғона вилояти божхона бошқармаси | (8-373) 224-72-38 |
| 15. | Хоразм вилояти божхона бошқармаси | (8-362) 226-93-61, 226-16-50 |
| 16. | «Тошкент-Аэро» ИБК | (8-371) 120-86-30 |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ.**

711R/876



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ МАРКАЗИНИНГ

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**ҚУЙИДАГИ СОҲАЛАР БЎЙИЧА АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**11.00.07** — ҚУРУҚЛИК ГИДРОЛОГИЯСИ, СУВ РЕСУРСЛАРИ ВА ГИДРОКИМЁ;

**11.00.09** — МЕТЕОРОЛОГИЯ, ИҚЛИМШУНОСЛИК, АГРОМЕТЕОРОЛОГИЯ.

**Маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: 100052, Тошкент шаҳри, Қодир Махсумов кўчаси, 72-уй. Автобуслар: 38, 42, 88, 89, 95 — «Гидрометмарказ» бекати.**

**Телефон: (8-371) 235-83-25.**

948R/1128



**ЗАВОД TTEMZ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:**

**КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А**

**предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий**

- максимальная грузоподъемность – 8 т.
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой).
- максимальная высота подъема горизонтально — 41,5 м, наклонно — 57,5 м.







**ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА**

**АВТОКРАНЫ**

**для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах**

**КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ**
- максимальная грузоподъемность – 14 т.
- максимальная высота подъема – 14,5 м.

**КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
- максимальная грузоподъемность – 16 т.
- максимальная высота подъема – 25 м (с гуськом).

**КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
- максимальная грузоподъемность – 25 т.
- максимальная высота подъема – 30 м (с гуськом).

**АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВОЗАПРАВЩИКИ**

**Объемом 8м³ и 12м³ на шасси MAN, КАМАЗ, МАЗ.**




Под заказ

Товар сертифицирован




**КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ и АВТОВЫШКИ на шасси: ISUZU, КАМАЗ, МАЗ и др.**

| МОДЕЛЬ | ВЫСОТА ПОДЪЕМА ЛЮЛЬКИ | ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬ |
|---|---|---|
| KRANTAS - 335 | 15 м | 3,2 т |
| KRANTAS - 736 | 21,5 м | 6 т |

**Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-66.**
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz



NBU

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

**IBM аппарат-дастурий комплексининг тизимли дастурий таъминотидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия етказиб берувчи ва уни ишга туширувчи компанияни танлаш бўйича тендер эълон қилади.**

Тендерда қатнашиш учун буюртманомалар (банк белгилаган шаклда) юридик шахслардан қабул қилинади.

Танловда қатнашиш учун буюртманома юборган шахсларга тендер ҳужжатлари ушбу эълон чоп этилган санадан кейин 14 календарь куни мобайнида берилади.

Олинган тендер ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифларини қабул қилиш, ушбу таклифлар қандай шаклда юборилганидан (почта орқали жўнатилгани ёки шахсан тақдим этилганидан) қатъи назар, мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб 32 календарь куни ўтгач, соат 17.00 да тўхтатилади.

**Буюртманома шакли ва тендер ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат таклифларини юбориш учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бош маъмурий биноси. Телефон: (8-371) 234-42-86. Интернет-сайт: www.nbu.com**

***Мулоқот қилувчи шахс — Блохина Ольга Леонидовна.***

948R/70



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

**9.00 дан 18.00 гача**

**232-11-15, 236-09-25.**


Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби жамоаси Корпоратив бошқарув маркази бўлим бошлиғи Мусаллам Абдужаббаровага падари бузруквори

**ЛАПАС отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

"O'zbekiston" телерадиоканали ДУК жамоаси "Ахборот" информацион эшиттиришлар муҳарририяти муҳаррири Дилором Мирҳодиевага онаси

**МАРҲАМАТ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"O'zbekiston" телерадиоканали ДУК жамоаси ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти режиссёри Мирзаҳамдам Авазовга онаси

**Фотима ая МУҚОДИРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

| | | | |
|---|---|---|---|
| ОМИХТА ЕМ | 181,0 | ▼ | -1,2 |
| ШРОТ | 205,8 | ▼ | -11,9 |
| ШЕЛУХА | 82,0 | ▼ | -1,7 |
| ПОЛИЭТИЛЕН B-Y 460 | 4656,1 | ▲ | +910,4 |
| ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 | 4881,5 | ▲ | +905,5 |
| ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 | 3933,1 | ▲ | +397,0 |
| МАЗУТ | 404,3 | ▲ | +141,4 |
| СУЮЛТ.ГАЗ | 1983,1 | ▲ | +494,1 |
| КЎМИР(блк) | 42,9 | ▼ | -0,07 |

